# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 25 май, № 102 (5522) Жума


## ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЗНЕС-ФОРУМИ

*Тошкентда 24 май куни Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доиралари вакилларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.*

### Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг савдо-саноат, сармоя, иқтисодиёт, логистика, экспорт-импорт, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон металлургияси ҳамда хизмат кўрсатиш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришга бағишланган мазкур анжуманда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳалар қатори иқтисодий йўналишда ҳам жадал ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги ўрни йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодиёти, чет эл сармоясини жалб этиш ва ундан фойдаланиш бўйича пухта шаклланган механизм бугун энг ривожланган мамлакатларни ҳам мамлакатимиз билан фаол ҳамкорлик қилишга чорламоқда. Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилаётир. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2011 йилда 2 миллиард 596 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 382 қўшма корхона, 65 Хитой фирма ва компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар, асосан, енгил саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш ва ахборот технологиялари каби соҳаларда иш олиб боради.

Форумда хитойлик меҳмонлар юртимизда иқтисодиётни ривожлантириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларга оид ўзгаришлар билан танишдилар. Тадбирда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида ва Жиззах вилоятида юқори технологиялар саноат паркини ташкил этиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

### Биз ва жаҳон

*Бангкокда Ўзбекистон Республикаси ва Таиланд Қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Б. Сайфуллаев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси аъзолари иштирок этдилар.*

## Миллий анъаналаримиз Таиландни мафтун этди

Ушбу муҳим сана муносабати билан халқаро ташкилотлар, Таиланднинг ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, эксперт-таҳлил доиралари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда дипломатия корпуси раҳбарлари иштирокида Таиланд Ташқи ишлар вазирлигида тантанали қабул маросими уюштирилди.

Тадбирда Ўзбекистон делегацияси аъзолари Таиланд Қироллиги ташқи ишлар вазири С. Товичакчайкул билан учрашдилар, шунингдек, маданий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболлари юзасидан ўзаро фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

С. Товичакчайкул 20 йил мобайнида Таиланд ва Ўзбекистонни дўстона ҳамда ўзаро ишончга асосланган муносабатлар бир-бирига боғлаб келаётганини ҳамда юқори даражадаги қатор ўзаро ташрифлар бу ришталарни янада мустаҳкамлашга кўмак берганини қайд этди. Вазирнинг баёнот беришича, Таиланд Ўзбекистонга Ўрта Осиёдаги ўзининг яқин дўсти ва шериги сифатида қарайди. У ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжуд эканини таъкидлагани ҳолда, Таиланд ҳукумати бундан кейин ҳам ушбу йўналишдаги шерикликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати билан яқин ҳамкорликда иш олиб боражагини билдирди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон ва Таиланд ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳозирги ҳолати икки давлат раҳбарлари саъй-ҳаракатлари натижаси ҳисобланади. Учрашувда жорий йил май ойининг сўнгида юртимизда "Ўзбекистонда Таиланд кунлари" ўтказилиши ва бунга жиддий тайёргарлик кўрилаётгани ҳам тилга олинди.

(Давоми 2-бетда).



## Қизиқарли баҳслар, ҳаяжонли лаҳзалар

*Навоий шаҳри мезбонлик қилаётган "Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинларининг республика босқичи қизиқарли баҳсларга, ҳаяжонли лаҳзаларга бой ўтмоқда. Энг муҳими, мусобақаларнинг ҳар бирида дўстлик, ўзаро ҳурмат ва адолат руҳи сезилиб турибди. Газетамизнинг ушбу сонида ана шу унутилмас онлар муҳрланган сурат-лавҳалар, беллашувларга оид энг сўнгги натижалар ва иштирокчиларнинг дастлабки таассуротлари билан танишасиз.*

4-бет

## Оилавий тадбиркорлик – фаровонлик омили

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида кенг имкониятлар эшигини очди.*

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Натижада маҳалла институти жадал ривож топиб, ушбу тизим фуқаролар ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази сифатида ўзини намоён этмоқда.

Дарҳақиқат, жамият тараққиётига хизмат қиладиган эзгу ташаббусларнинг аксарияти маҳаллада туғилиб, илдиз отади. Юрт келажагига дахлдор юмушларда ҳам ушбу масканда истиқомат қилаётган фуқаролар фаоллик кўрсатишади. Маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар бунинг яққол тасдиғидир. Хонадонлар фаровонлиги, уй бекалари ва оиланинг бошқа аъзоларини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишнинг самарали воситаларидан бири сифатида бу имкониятдан бизнинг вилоятимизда ҳам оқилона фойдаланилмоқда.

Айтиш лозимки, бугунги кунда томорқасидан миллионлаб даромад олиб, хонадонлари фаровонлигини таъминлаётган оилалар ҳар бир қишлоқда кўплаб топилади. Улар тупроқ шароитига мос сабзавот ва полиз экинларини парваришлаб, йил давомида икки-уч бор ҳосил йиғиштириб олишни йўлга қўйишган.

(Давоми 2-бетда).

### Тадбир

*Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш қишлоқ хўжалиги соҳасининг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Негаки, тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлиги, демакки, фермер ва деҳқонларнинг даромади мазкур муаммонинг ечимига боғлиқ.*

**Ер ва сув захиралари:**

## Янги лойиҳалар, салмоқли натижалар

Шунинг учун мамлакатимизда сизот сувлари сатҳини пасайтириш, шўрланиш даражасини камайтириш орқали тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами йил сайин кенгайтирилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлаётир.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ташкил этилган матбуот анжумани мазкур Фармон ижроси бўйича олиб борилаётган ишлар самараси, ер ва сув захираларидан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишланди.

(Давоми 2-бетда).

## Инвестиция ва имтиёзлар

### саноат ривожига хизмат қилмоқда



*Юртимизда бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиши билан қурилиш материалларига бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам тобора ортиб бораётир. Пировардида маҳаллий ишбилармонларимиз томонидан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотларнинг янги-янги турларини тайёрлаш ўзлаштирилмоқда.*

### Интилиш

Хусусан, Қувасой шаҳри истиқлол йилларида мамлакатимиз қурилиш индустриясининг йирик марказларидан бирига айланди. Бу ердаги қулай инвестициявий муҳит, тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган имтиёзлар ҳамда ҳудуднинг хом ашё ресурсларига бойлиги хорижлик сармоядорлар эътиборини ҳам жалб қилди.

Масалан, шаҳардаги цемент комбинатининг оёққа туриши, замонавий жиҳозлар билан таъминланишида ташаббускор ва изланувчан тадбиркор Муҳсинжон Меҳмоновнинг ҳиссаси катта. У Қувасойдаги ташландиқ ҳолга келиб қолган кўчма механизациялашган колонна ўрнида янги корхона бунёд этиш ҳаракатига тушди. 2009 йили шу мақсадда Буюк британиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда "Building Materials Production and Trading Group" қўшма корхонаси ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

■ "ФАРҒОНААЗОТ" очиқ акциядорлик жамиятининг экспорт салоҳияти янги имкониятлар ўзлаштирилиши эвазига йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, жамият аъзолари жорий йилнинг биринчи чорагида 21 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулотни хорижлик буюртмачиларга етказиб берди.

■ **СИРДАРЁ вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда Янгиер шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. 35 та корхона ва ташкилот томонидан 105 та бўш иш ўрни таклиф этилган ушбу тадбир якунида 41 киши ўзларининг бўлажак жамоалари билан меҳнат шартномаларини имзоладилар.**

■ ТЕРМИЗ шаҳридаги "Техсервис" хусусий корхонасида мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги цех ишга туширилди. Банк кредити эвазига амалга оширилган мазкур лойиҳа туфайли қўшимча 5 та иш ўрни яратилди.

■ **УРГАНЧ шаҳрилик тадбиркор Мадиёр Худойберганов саъй-ҳаракати билан ташкил этилган "Эрудит прогресс" корхонасида мих ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бунинг учун тадбиркор 80 миллион сўмлик замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## Фарзандлар – Ватан келажаги

*Болажон халқмиз. Фарзандлар камолини, иқболини кўриб қувонамиз. Жажжи ўғил-қизларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, меҳр ва эътибор оғушида улғайиши учун бор имкониятларимизни ишга соламиз.*

### 2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Миллий қадриятларимиз даражасига кўтарилган бундай эзгу анъаналаримиз бугун давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ёшларнинг бевосита Президентимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинаётгани, жаҳон талаблари даражасида билим олишлари учун замонавий шарт-шароитлар яратилаётгани сўзимиз тасдиғидир.

Бунда "Sen Yolg`iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Мазкур ташкилот ҳамкорлигида ўтказилаётган хайрия акциялари, маърифий анжуманлар ҳамда амалга оширилаётган турли лойиҳалар ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, жамиятга интеграциялашувини таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, билим олиши, қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунар эгаллашига хизмат қилмоқда.

Бу куни кеча "Биз, болалар — оила ва Ватан келажагимиз" мавзуида ташкил этилган икки кунлик форумда яна бир карра ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, "Камолот" ЁИҲ, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги мактаб ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари қатнашди.

Тадбирда "Sen Yolg`iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси директори Р. Мустаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида юртимизда Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув материаллари, компьютер техникаси ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш, ушбу масканлардаги маърифий-тарбиявий ишларни давр талаби асосида йўлга қўйиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

## Аҳоли бандлиги таъминланмоқда

**Бир рақам шарҳи**

Мамлакатимизда шу йилнинг дастлабки уч ойида ташкил этилган янги иш жойлари

**234** мингтадан ошди.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида ана шундай юқори кўрсаткичга эришилди.***

# Қонун ижросига бағишланди

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Самарқанд ҳамда Тошкент вилоятларидаги ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш натижалари муҳокама этилди.*

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари қатнашди.

Унда таъкидланганидек, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юрт равнақи, эл фаровонлигини юксалтириш, шу жумладан, жамиятда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бунинг учун зарур ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий пойдевор яратилган.

Йиғилишда “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади иқтисодий ночор корхоналар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва кредиторларнинг қарз мажбуриятларини бажаришлари ҳамда тўлов қобилиятини тиклашлари бўйича муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлиги, бу тўлов қобилиятини тиклаш ёки тугатиш орқали амалга оширилиши қайд этилди.

— Маълумки, тўловга қодир бўлмаган хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлик механизмини шакллантириш мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир, — дейди қўмита аъзоси Ф. Омонова. — Шу асосда самарасиз фаолият кўрсатаётган корхоналар тугатилади, ижтимоий муҳим аҳамиятга эга ҳамда даромад келтирадиган корхоналар сақлаб қолинади, мулкчилик муносабатлари барқарорлиги таъминланиб, янги иш ўринлари яратилади.

Маълум бўлишича, бу борада ўрганилган ҳудудларда муайян ишлар қилинган. Хусусан, хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари билан Самарқанд ва Тошкент вилоятларида мос равишда 2010 йилда 230 ва 188 та, 2011 йилда 151 ва 170 та, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 54 ва 63 та қарздор корхона банкрот деб топилган.

Шу билан бирга, мазкур Қонунни бажариш мақсадида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, унинг вилоятлардаги ҳудудий бошқармалари, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Назорат-таҳлил тартибида ўрганилган ҳудудларда Қонун ижросини таъминлашда айрим камчиликларга йўл қўйилаётганига ҳам тўхталиб ўтилди. Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**С. МАХСУМОВ.**

# ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ўзбекистон барқарор иқтисодий ривожланиш бўйича Марказий Осиёдаги етакчи мамлакатлардандир, — деди Хитой халқаро савдога кўмаклашиш қўмитаси вице-президенти Юй Пин. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг апрель ойида Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи жуда муваффақиятли бўлди. Мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги мазмун билан бойитиб, икки томонлама имкониятларни янада кенгроқ ишга солишда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари жадал тараққий этаётгани ва ўзаро савдо айланмаси ҳажми муттасил ошиб бораётгани бизни ғоят қувонтиради. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада тараққий эттириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишидаги алоқаларни янада юқори босқичга олиб чиқиш ва ҳамкорликда кўплаб қўшма корхоналар ташкил этиш тарафдоримиз.

Анжуманда икки мамлакат ўртасида иқтисодиёт, сармоя, савдо, логистика, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси билан Хитой Халқаро савдога кўмаклашиш қўмитасининг Сичуан қўмитаси ўртасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси билан Хитой Халқаро савдога кўмаклашиш қўмитасининг Синцзянь-Уйғур қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Шу куни Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Миллий анъаналаримиз Таиландни мафтун этди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таиланд Ташқи ишлар вазирлигидаги тантанали қабул маросими Ўзбекистон халқ амалий санъати буюмлари ва суратлар кўргазмасига уланиб кетди. Ўзбек миллий ашулалари ҳамда рақсларидан ташкил топган маданий дастур намойиши эса маросимга алоҳида шукуҳ бағишлади.

**Чулалонгкорн университетининг Европа муаммолари тадқиқоти маркази директори Чарит Тингсабадх** мазкур маросимда қатнашиш ўзи учун катта шараф эканлигини таъкидлар экан, тадбир ўзбек халқининг бой маданияти ва анъаналари, шунингдек, Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти билан яқиндан танишиш учун жуда қулай имконият яратганини айтиб ўтди.

Унинг фикрича, турли цивилизациялар чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон минтақадаги стратегик мамлакат ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Осиё ва Европа ўртасидаги боғловчи бўғин ҳамдир. “Шу боис маданият ва таълим йўналишидаги ўзаро икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш зарур, деб ўйлайман”, деди у.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари ташриф доирасида Таиланд маданият вазири С. Кунплом билан ҳам учрашдилар. Ўзбекистон ва Таиланд ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳолати ҳамда уни янада ривожлантириш истиқболлари мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди. Ушбу учрашув якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Таиланд Қироллиги Ҳукумати ўртасида маданият ва спорт соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди.

С. Кунплом бу соҳада ҳар икки томонни қизиқтирадиган йўналишлар кўплигини, анъанавий мусиқа санъати ана шулардан бири эканлигини қайд этди. Унинг айтишича, имзоланган ҳукуматлараро Битим икки мамлакатнинг санъат ва спорт намояндалари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга йўналтирилган аниқ режа ва дастурларни ишлаб чиқишнинг муҳим механизми бўлиб қолиши баробарида, самарали маданий алмашинувлар, икки халқни бундан-да яқинлаштиришнинг замини сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Таиланд Қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида Таиландда “Ўзбекистон маданияти кунлари” ҳам ўтказилди. “Сурхон” ва “Сабо” мусиқа гуруҳлари ижросидаги ўзбек анъанавий қўшиқлари, халқ ашулалари ҳамда жозибали миллий рақслардан иборат чиқишлар, халқ амалий санъати буюмлари кўргазмаси “Ўзбекистон маданияти кунлари” дастуридан ўрин олди. Мамлакатимиз маданияти кунларига бағишлаб Паттая шаҳридаги “Централ” савдо маркази ҳамда Бангкок миллий театри биносида ташкиллаштирилган тадбирлар маҳаллий аҳоли ва мамлакатга келган кўп сонли сайёҳларда улкан таассуротлар қолдирди.

**«Жаҳон» АА.**
Бангкок

# Инвестиция ва имтиёзлар

саноат ривожига хизмат қилмоқда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Асосан, асбестоцементли томёпқич (шифер) маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қўшма корхонага дастлаб 200 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, 2010 йилнинг 1 январидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 11 миллиард сўмга етди. Ўтган йилнинг биринчи чорагига келиб эса яна 230 минг АҚШ долларилик сармоя ўзлаштирилди. Натижада фаолият кўлами кенгайиб, маҳсулот сифати янада яхшиланди. Йил якуни бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати 24 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этди. Энг муҳими, мазкур лойиҳа шарофати билан 250 нафар йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Айни пайтда жамоа маҳсулотлар турини кўпайтириш ҳаракатида. Бунинг учун хориждан қўшимча дастгоҳлар келтириш кўзда тутилган. Мазкур истиқболли лойиҳа рўёби яна кўплаб кишиларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлайди.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.**

## Ер ва сув захиралари:

# Янги лойиҳалар, салмоқли натижалар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қайд этилдики, бугунги кунда мавжуд 4,3 миллион гектар суғориладиган ернинг 49 фоизи турли даражада шўрланган. Бундан ташқари, 219 минг гектар майдонда ер ости сизот сувлари сатҳи юқори бўлса, 170 минг гектарида шундай сувларнинг туз миқдори меъёридан баланд. Ушбу рақамларнинг ўзиёқ соҳа ходимлари ва мутахассислари зиммасидаги масъулият нечоғли катталигини яққол кўрсатиб турибди. Буни улар чуқур ҳис қилган ҳолда, 141 минг километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, 3474 та тик қудуқ ва 123 та мелиоратив насос станциясини ишчи ҳолатда сақлаш пайидан бўлишмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан мутахассисларнинг таъкидлашича, тизимда молиялаштиришнинг янги механизми жорий этилиши мелиорация тадбирларини амалга ошириш жараёнини жадаллаштириб юборди. Гап шундаки, Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилиб, тўрт йил мобайнида бу жамғарма томонидан 550 миллиард сўм ажратилди. Шунинг ҳисобига жойларда фаолият кўрсатаётган 49 та давлат унитар корхонасининг техника парки бутунлай янгиланди. Биргина “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси томонидан уларга ирригация-мелиорация ишларида фойдаланиладиган 1258 та экскаватор, бульдозер ва бошқа замонавий техника ҳамда механизмлар етказиб берилди. Натижада 2 минг 619 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, 40 та мелиоратив насос станцияси, 1600 та тик ҳамда кузатув қудуғини реконструкция қилиш ва қуриш юмушлари сифатли бажарилди.

Шу билан бирга, умумий узунлиги 53,6 минг километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 4592 та вертикал қудуқ, 183 та мелиоратив насос станцияси қайта таъмирланди. Энг асосийси, узоқ йиллардан буён амалга ошириш ёки тугаллашнинг иложи бўлмаётган бир қатор йирик мелиоратив объектлар қурилиши муваффақиятли якунланиб, ишга туширилди. Тошкент вилоятидаги “Уртукли” коллектори, Бухоро вилоятидаги “Қумсултон” пастлигидан “Денгизкўл” ташламасигача бўлган магистраль коллектор ҳамда “Каттакўл — Хўжайли” магистраль коллектори шулар жумласидандир.

Амалга оширилган бу каби тизимли ишлар шарофати туфайли қисқа давр ичида 1 миллион 164 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Ер ости сизот сувларининг сатҳи белгиланган меъёрда ушлаб турилиши эвазига эса умумий ҳолатнинг барқарорлигига эришилди. Бу, ўз навбатида, пахта ва ғалла ҳосилдорлигини ўртача 2-3 центнергача ошириш имконини берди.

Анжуманда, шунингдек, жорий йилда амалга оширилаётган лойиҳалар, уларни молиялаштириш, корхоналарни замонавий техника воситалари билан таъминлаш масалалари бўйича ҳам журналистларга атрофлича маълумот берилди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Бебаҳо неъмат қадри

*Биз, кексаларнинг каттаю кичикка илинганимиз — яхши дуо. Унибўсишсин, ҳеч кимдан кам бўлишмасин, ёмонлик уларга яқин йўламасин, деб сўраганимиз сўраган. Ўтмишда биз кўрган оғир кунларни кўришмасин, деймиз-да.*

Шукроналик



**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

Бу йил 100 баҳорни қаршиладим. 3 нафар фарзандим, 30 неварам, 90 дан ортиқ чеварам, 25 эварам атрофимда гирдикапалак. Исмларини адаштириб юбораман баъзан. Қақажон эвараларим ҳаммасидан бошқача. Кўп савол беришади. “Энажон, ёшлигингизда у қандай эди, бу қандай бўлган, гапириб беринг”, дея ҳол-жонимга қўйишмайди. Уйнаб-кулмаган, тўйиб нон емаган болалигим, далада кечган ёшлигим, аянчли уруш йиллари ҳақида ҳикоя қилиб бераман уларга.

Тўғри, буларнинг бари — ўтмиш, балою офатлар ортда қолгани рост бўлсин. Лекин бир нарсани унутиб бўлмайди. Бу дориламон кунлар ўз-ўзидан келгани йўқ-ку. 9 май куни Президентимизни телевизорда кўрсатишди. Хотира майдонида кўп ҳикматли гапларни айтдилар. Бугунги тинч-осойишта кунларнинг қадрига етиш керак, дедилар. Ёш авлод тарихни чуқур ўрганиши, бу кунларга осонлик билан эришилмаганлигини тушуниб етиши зарур, деб уқтирдилар. Тўғриси, бу гапларни эшитиб жуда таъсирланиб кетдим.

Шукр, шундай кунларда яшаш насиб қилди. Истиқлолни, неварaю чевараларимиз камолини кўрдик. Бугун биров бир оғиз сўз айтса, қувониб кетаман. Ҳолимизни сўровчилар, йўқловчилар кўп. Барака топишсин. Умримизни узайтираётган ҳам аслида шу ширин сўзу меҳр-оқибат аслида. Тўйлар, тантаналар, байрамларнинг кети узилмайди. Дастурхонимиз тўкин, ризқимиз бутун. Ёшларимиз замонга мос мактабларда, коллежларда ўқишаяпти, касб-ҳунар этагидан тутишаяпти. Ўзимиздан мисол. Невараларимнинг бири ҳарбий, бири тадбиркор, бири фермер, яна бири ҳисобчи... Хуллас, ҳаммаси ўз ўрнини топган. Чевараларимни айтмайсизми?! Яқинда чеварам Муҳаммад ёшлар ўртасида ўтказилган республика мақомчилар кўрик-танловида иккинчи ўринни эгаллади. Уйимизда байрам бўлиб кетди шу куни. Хўш, юз билан юзлашган момо учун бундан ортиқ яна қандай бахт-саодат бор?

Мустақиллигимиз йўлидан доимо тик юрайлик. Кўрганимиз энди ёруғлик бўлди, болаларим, шу ёруғликни авайлаб-асранг, эъзозланг, ҳурматини жойига қўйинг. Сизга айтадиган гапим, тилагим шу!

*Хонқалик меҳнат фахрийси*
*Дармонжон ОТАЖОНОВАнинг*
*дил сўзларини «Халқ сўзи» мухбири*
*Ойбек РАҲИМОВ ёзиб олди.*

# Фарзандлар – Ватан келажаги

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Форумдан кўзланган асосий мақсад ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга эътиборни янада кучайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишдан иборат, — дейди “Sen Yolg`iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси матбуот хизмати раҳбари Дилноза Собирова. — Маълумки, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурига мувофиқ, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда юртимиздаги барча мактабларнинг 7-8 синфи ўқувчилари ўртасида “Биз, болалар — оила ва Ватан келажагимиз!” мавзуидаги иншолар танлови ўтказилди. Унда ғолиб бўлган 100 нафар ўқувчи ушбу форумда ҳам фаол иштирок этди.

— Форумда бола ҳуқуқлари ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўлдик, — дейди Тошкент шаҳридаги 182-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Азиза Абдусаматова. — Фарзанд тарбияси, мустаҳкам оила тушунчалари ҳақидаги фикрларимиз билан ўртоқлашилгани бизни жуда қувонтирди. Айниқса, форум доирасида биз Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ташриф буюриб, депутатлар билан учрашдик. Бу менда катта таассурот қолдирди.

Тадбир доирасида иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда бола ҳуқуқларига оид қонунчилигимиз моҳияти, болалар манфаатларини таъминлашга доир масалаларни муҳокама қилдилар.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Оилавий тадбиркорлик – фаровонлик омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, Тўрақўрғоннинг “Бураматут” қишлоқ фуқаролар йиғини аҳли болдай ширин узумлар етиштиришнинг устаси бўлса, Янгиқўрғоннинг Нанайида пишган қирмизи олмалар келгуси йил Наврўзигача дастурхондан тушмайди. Мингбулоқда қуёшдан нур олган қовун-тарвуз, Косонсой боғларида етилган ноклар йил бўйи бозорни безайди. Бу саъй-ҳаракатлар эса, ўз навбатида, оила фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Мисол учун, Чортоқ туманининг “Бешкапа” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Раҳматилло Қурбонов томорқасидаги 30 сотихли иссиқхонада 14 нафар оила аъзолари билан помидор, бодринг, карам, тарвуз ва кўкат етиштириб келмоқда. Тадбиркорнинг бултур деҳқончиликдан олган даромади 17 миллион сўмни ташкил этди. Наманган туманидаги “Янгийўл” маҳалла фуқаролар йиғини аъзоси Аҳаджон Муродов эса ўз хонадонида гулчиликни йўлга қўйган. Мўъжазгина ҳовлисидаги икки қаватли гулхонада парваришланаётган ноёб гуллардан тушадиган йиллик даромад 50 миллион сўмга етади.

Туман ҳокимликлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ушбу соҳада тўпланган тажрибаларни оммалаштириш орқали омилкор томорқа эгалари издошларини кўпайтириш, пировардида ички истеъмол бозорини замин неъматлари билан янада сероб қилиш тадбирларини изчил амалга ошириб келмоқда. Айни чоғда вилоятимизда аҳолининг 18 минг гектарга яқин шахсий ва дала томорқаларида ҳозир сабзавот, полиз, картошка ва бошқа озуқа экинлари парваришланмоқда. Ниятлар ҳам шунга яраша улкан, яъни йил давомида 19,8 минг тонна ғалла, 333 минг тонна сабзавот, 133 минг тонна картошка, 134 минг тонна полиз, 202,7 минг тонна мева, 40,5 минг тонна узум етиштириш кўзда тутилмоқда.

Вилоятда оилавий тадбиркорликнинг ҳунармандчилик, чорвачилик, асаларичилик сингари турларини йўлга қўйиб, бунинг орқасидан ҳам рўзғорини тебратаётган, ҳам жамиятга наф келтираётган хонадонлар сони ортиб бораётганини таъкидлаш ўринлидир. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, уруғлик, минерал ўғитлар, кўчат, зотдор чорва моллари билан таъминлаш борасида маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари кутилган натижани бермоқда. Бунда, айниқса, оилавий тадбиркорларнинг сармоявий муаммоларини ҳал этишга кўмак бераётган тижорат банклари ва жамоат фондларининг иштироки таҳсинга сазовор. Биргина мисол, жорий йилда “Фермер ва ишбилармон аёлларни қўллаб-қувватлаш” лойиҳасида қатнашган 9 нафар тадбиркор тижорат банкларининг 54 миллион сўмлик имтиёзли кредитидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишди. Молия муассасалари томонидан шу мақсадда ажратилаётган кредитлар ҳам ўз бизнесини йўлга қўяётган ҳамюртларимиз учун ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш, айланма маблағларни шакллантиришда ҳар жиҳатдан қўл келмоқда.

Мухтасар айтганда, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида кўзда тутилган устувор вазифалардан бири — оилавий тадбиркорликни кенгайтириш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллани хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш айни муддао. Зеро, бу вилоятдаги хонадонларнинг моддий аҳволини янада яхшилаш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, ташаббускор фуқаролар ғояларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Яқинда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни эса, шубҳасиз, бу борадаги ишларни янада ривожлантиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Насриддин САДРИТДИНОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими раиси.**

## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич нархи 1 317 621 690 сўм бўлган, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-ноҳиясида жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бинолар, 8 та шохобчадан иборат автоустахона, 4 автомашинага мўлжалланган автоювиш шохобчаси (кадастр ҳужжати бўйича ер майдони 0,29 гектарни, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м.ни ташкил этиб, ҳозирги кунда биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 гектар бўлиб, қурилиш ости майдони 3999,30 кв.м.ни ташкил этади, каркас тури пишиқ ғишт ва бетонли, 1 қаватли, 2003 йилда қурилган).

**2.** Тошкент вилояти Жиноят ишлари бўйича судининг 2011 йил 6 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган, бошланғич нархи 496 565 898 сўм бўлган, «Аркони Зафар» МЧЖга тегишли, Шайхонтоҳур тумани, Жарариқ кўчасида жойлашган, умумий майдони 453 кв.м., 2 қаватли ва ертўладан иборат, умумий хоналари сони 10 та, умумий йўлаклар сони 2 та, битта ёрдамчи хона, битта ҳожатхона, битта ошхонаси мавжуд бўлган бино.

*Аукцион савдоси 2012 йил 29 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2012 йил 29 июнь куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 20 июль куни бўлиб ўтади.*

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.**
**Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

863А/505

*Лицензия: № 0039.*

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2008 йил 8 октябрдаги 1-4691/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 122/1-уй, 82-хонадонда жойлашган, умумий майдони 76,1 кв.м., яшаш майдони 42,03 кв.м. бўлган, 3 та яшаш хонаси, 1 та ҳожатхона, 1 та ҳаммом, 1 та ошхонадан иборат уй-жой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 109 310 649 сўм.***

**Аукцион савдоси 2012 йил 13 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 11 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон (8-371) 228-79-52. Расмий сайт: www.1kms.uz**

873-1А/1441

***Лицензия: RR-0001.***

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**«Capital Realtor Group» МЧЖ Қашқадарё филиали объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объектларини қўймоқда:**

***I.*** *Қашқадарё вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» АЖ кузатув кенгашининг 2012 йил 11 майдаги 01/08-К/К-сонли баённомаси қарори билан жамиятнинг Деҳқонобод тумани филиали тугатилганлиги сабабли, Деҳқонобод тумани, Қорашина қўрғони, «М. Турсунзода» МФЙ, А. Хушвақтов кўчасида жойлашган, умумий майдони 700,0 кв.м. бўлган маъмурий бино.*

***Бошланғич баҳоси — 4 215 051 сўм.***

**Ушбу кўчмас мулкнинг аукцион савдоси 2012 йил 25 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

***II. Косон тумани СИБ томонидан савдога қўйилган:***

***1.*** *ФИБ Косон тумани судининг 2011 йил 21 июлдаги 1-596/1-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Косон шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 7-уйда жойлашган, қурилиш майдони 146,55 кв.м., фойдали майдони 98,31 кв.м. бўлган дорихона биноси.*

***Бошланғич баҳоси — 51 851 795 сўм.***

***2.*** *ФИБ Косон тумани судининг 2011 йил 21 июлдаги 1-596/1-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Косон тумани, «Дўстлик» ҚФЙ, Оброн қишлоғида жойлашган, қурилиш майдони 86,0 кв.м., фойдали майдони 66,21 кв.м. бўлган дорихона биноси.*

***Бошланғич баҳоси — 17 567 608 сўм.***

**Ушбу кўчмас мулкларнинг аукцион савдоси 2012 йил 11 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Ушбу кўчмас мулклар билан харидорлар сотувчи ва суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкларга аризаларни қабул қилиш савдодан 1 (бир) кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк»и Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан мулкни сотиб олиш учун ариза, закалат пули тўғрисидаги келишув битими ва закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг асл нусхаси, жисмоний шахслар фуқаролик паспорт нусхаси, юридик шахслар эса давлат рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси ва корхона устави, агар савдода ишончли вакил иштирок этса, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома тақдим қилишлари шарт.

**Манзил: Қарши шаҳри, И. Мўминов кўчаси, «Наргиза маиший хизмат уйи». Мўлжал: Қарши темир йўл шоҳбекати. Тел./факс: (8-375) 227-20-28.**

869А/1192

*Лицензия: № RR-0017.*

## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

*(ҚҚС билан)*



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича** Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар X42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

130R/97

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

## ЗАВОД TTEMZ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:




ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

### АВТОКРАНЫ

**для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах**

**КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 14 т.
- максимальная высота подъема – 14,5 м.

**КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 16 т.
- максимальная высота подъема – 25 м (с гуськом).

**КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
- максимальная грузоподъемность – 25 т.
- максимальная высота подъема – 30 м (с гуськом).

### КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

**предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий**

- максимальная грузоподъемность – 8 т.
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой).
- максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м.

Товар сертифицирован




Товар сертифицирован




### КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ

**на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.**

| МОДЕЛЬ | ВЫСОТА ПОДЪЕМА ЛЮЛЬКИ | ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ |
|---|---|---|
| KRANTAS - 335 | 15 м | 3,2 т |
| KRANTAS - 736 | 21,5 м | 6 т |

### АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВО-ЗАПРАВЩИКИ

**Объемом 8м³ и 12м³ на шасси MAN, КАМАЗ, МАЗ.**



Под заказ

**Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66.**
**E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz**

20R/220

## «САМАРҚАНД АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ»

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ**

**Самарқанд шаҳридаги «СамАвто» МЧЖ ҳудудида автополигон участкаси қуриш бўйича**

**танлов савдолари ўтказади.**

**Объектнинг бошланғич баҳоси:**
**— ҚҚС билан 2 863 462 034,4 сўм;**
**— ҚҚСсиз 2 386 218 362 сўм.**

*Тўлиқ маълумотни бизнинг қуйидаги сайтимиздан олиш мумкин:*

**WWW.SAMAUTO.UZ**

797R/578

## «ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
**232-11-15, 236-09-25.**
E-mail: reklama@xs.uz

02

## ООО «SHANXAY PLAST GROUP»

*ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ*

SPC PIPILENE

производит

**полиэтиленовые трубы**

**Ø от 16 до 800 мм для водоснабжения, канализации и газа,**

соединительные детали:
**тройники, переходники, отводы, адаптеры.**



*НА ВСЮ ПРОДУКЦИЮ ИМЕЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНЫ И ГИБКАЯ СИСТЕМА СКИДОК.*

**Производим поставку, монтаж и комплектацию ПЭ-трубопроводов Ø от 16 до 800 мм под ключ.**

*Гарантия качества! Звоните!*

**г. Ташкент, ул. Шайхантохурская, 36, бизнес-центр «Лабзак», 3-й этаж.**
**Тел./факс (8-371) 244-83-00,**
**моб.: (+998 93) 547-49-75, (+998 97) 734-46-70**
**WWW.pipilene.uz E-mail: sedou2006@yandex.ru**

143R/40

**Маҳсулотларни импорт қилишни камайтириш ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг республикамиз корхоналари билан кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш ва кучайтириш мақсадида, 2011 йил 23 декабрдан буён Темир йўлчилар маданият саройида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК эҳтиёжи учун импорт қилинадиган материаллар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ҳамда хом ашёлар кўргазмаси очилган.**

**Мазкур кўргазмада Ўзбекистон Республикаси корхоналари томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилиши таклиф этилаётган, импорт қилинадиган материаллар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар билан танишиб чиқиш мумкин.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 30-уй.**

858А/581

## Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**«Маърифат» газетасининг 2012 йил 21 апрелдаги сонида республика олий таълим муассасалари учун 2012 йилда ўқув адабиётларини чоп этиш тўғрисида нашриётларни тендерда қатнашишга таклиф қилган бўлиб, тендернинг якуний натижалари бўйича ғолибларни**

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

* **1-лот ғолиби** — Чўлпон номидаги НМИУ;
* **2-лот ғолиби** — «Ворис нашриёти» МЧЖ;
* **3-лот ғолиби** — «Ношир» ҚК МЧЖ;
* **4-лот ғолиби** — «Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти» нашриёти;
* **5-лот ғолиби** — «Тафаккур-бўстони» МЧЖ;
* **6-лот ғолиби** — «Тафаккур-бўстони» МЧЖ;
* **7-лот ғолиби** — Фан ва технологиялар марказининг босмахонаси.

875А/663

## DST-07 DESTAS




## ТАКСОМЕТРЫ

**Товар сертифицирован Узгосстандартом и внесен в госреестр РУ**

**Адрес: г. Ташкент, ул. А. Кадыри, 35. Тел.: (+998 71) 150-20-38, (+998 97) 428-11-10, 432-00-55. Факс (+998 71) 150-20-37. E-MAIL: avtokom@sks.uz**

777R/1126

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси проректори Қаҳрамон Қуранбаевга падари бузруквори

**ҚЎЧҚОР отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси бошқаруви уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси

**Турдибек Байимбетович УРАЗБАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи Анвар Аҳмедовга падари бузруквори

**Михмон АҲМЕДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Геотехнология ва рангли металлургия илмий тадқиқот ва лойиҳа-қидирув институти “O’zgeorangmetliti” жамоаси институт бош мутахассиси

**Норбой НОМОЗБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат санъат институти раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси Санъатшунослик ва техноген санъати факультети декани ўринбосари Элёр Содиқовга падари бузруквори

**Турдибек ота СОДИҚОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

# Қизиқарли баҳслар, ҳаяжонли лаҳзалар



*Президентимизнинг "Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табриги мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасида эканининг яна бир амалий тасдиғи бўлди. Унда қайд этилганидек, "Юртимизда шаклланган, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли тизим, айни мана шундай тадбир ва мусобақалар, мухтасар айтганда, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга ошираётган улкан ишларимиз бугунги кунда дунё жамоатчилигида катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотмоқда, энг муҳими, ёшларимизнинг халқаро майдонларда юксак шоҳсупаларга кўтарилиши учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда".*

*Дарҳақиқат, эртамиз эгаларини она-юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган мазкур тизимнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётир. Буни "Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинлари республика босқичи иштирокчиларининг дил сўзларидан ҳам англаш мумкин.*

## Беқиёс ғамхўрликнинг амалий ифодаси

**Моҳинур ҚАҲРАМОНОВА, Зарафшон шаҳридаги 13-умумтаълим мактаби ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:**

— Юртбошимиз табригини барчамиз катта ҳаяжон билан тингладик. Биз, ёшларга билдираётган юксак ишонч, эътибор ва ғамхўрликларини яна бир карра дилдан ҳис қилдик. Шунга муносиб бўлиш, пухта билим эгаллаш, юртимизда анъанавий тарзда ўтказилаётган мана бундай спорт мусобақаларида чиниқиб, келгусида халқаро ареналарда ҳар қандай кучли рақиб билан бемалол беллаша оладиган даражага етишиш зиммамиздаги улкан масъулиятдир. Бунинг учун имконият ҳам, шароит ҳам етарли.

Вилоятимиз мезбонлик қилаётган "Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинлари финал босқичининг шахмат бўйича баҳсларида қатнашаяпман. Бу ерда кучсиз рақибнинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам диққатимни жамлаб, бор иқтидоримни ишга солаяпман. Бугун Сурхондарё, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилояти вакилларини мағлуб этдим. Хоразмлик Нилуфар Якубаева билан эса дуранга имзо чекдик. Нилуфарнинг ўйин услуби менга жуда ёқди. Олдинда яна иккита муҳим учрашувим бор. Насиб қилса, ғолибликка эришаман. Лекин менинг энг катта ютуғим кўплаб дўстлар орттираётганимдир.

**Исломбек СУЛТОНОВ, стол тенниси бўйича Тошкент шаҳри терма жамоаси аъзоси:**

— Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт!" деган эзгу даъватлари доимо ёдимда туради. Бундан ғурурланаман. Юртимизнинг ҳар бир ҳудудида ёшлар учун кенг имкониятлар яратиб берилаётганига Навоийда яна бир карра гувоҳ бўлдик. Янги бунёд этилган спорт шаҳарчаси, 10 мингдан ортиқ томошабинга мўлжалланган марказий стадион киши ҳавасини келтиради. Кўчалар кенг ва равон. Атрофга таралаётган гуллар ифорини айтмайсизми? Буларнинг бари кайфиятимизни кўтариб, мусобақаларни кўнгилдагидек ўтказишимизга туртки бераяпти.

Стол тенниси бўйича "Умид ниҳоллари"да Наманган, Тошкент ва Андижон вилояти вакиллари доимо кучлилар сафида бўлишган. Бу гал ана шу анъанага чек қўйиш учун беллашувларда астойдил иштирок этаяпмиз. Ҳали якун ясашга эрта. Ҳаммасини вақт кўрсатади.

**Шаҳбоз ҒОИПОВ, кураш бўйича Сирдарё вилояти терма жамоаси аъзоси:**

— Баҳслар олдидан чигилёзди машқларини ўтказишимиз, ҳордиқ чиқаришимиз учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Спорт байрамининг маданий-маърифий дастуридан ўрин олган тадбирлар ҳам эътиборимни тортди: вилоятдаги Сардоба, Қосим Шайх мажмуалари, Работи Малик, Мирсаид Баҳром мақбараси, Нурота чашмаси каби қатор тарихий ёдгорликлар, муқаддас қадамжолар билан танишар эканмиз. Шунингдек, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият юритаётган замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида бўлиб, вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари гувоҳига айланарканмиз. Бу жуда катта имконият. Шубҳасиз, шу орқали Навоий вилояти ҳақидаги тасаввуримиз янада ортади.

### Факт ва рақамлар

"Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинлари республика босқичини юксак савияда ўтказиш мақсадида Навоий вилоятида қарийб 56 миллиард сўм маблағ сарфланиб, муҳташам спорт саройлари ва мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди.

**Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан республикамизда қарийб 1500 та замонавий спорт объекти қурилди.**

Кейинги тўрт йил мобайнида юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланадиганлар сони 29 фоиздан қарийб 35 фоизга, қизларимиз ўртасида эса 24 фоиздан 31,5 фоизга ошди.

**2005 йилда мамлакатимиздаги мутлақ соғлом болалар кўрсаткичи 52 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу рақам қарийб 63 фоизга етди.**

## 35 метрдан киритилган гол

***"Кимёгар" спорт мажмуасининг стадионида кечаётган футбол мусобақаларида ўзига хос рекорд натижалар ҳам қайд этилди. Хусусан, Тошкент вилояти ва хоразмлик ёшлар ўртасидаги ўйиннинг 3-дақиқасидаёқ Зуфар Акбаралиевнинг чамаси 35 метрдан тепган тўпи дарвоза тўридан жой олди.***

"Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари тарихида энг тез киритилган бу ажойиб гол пойтахт вилояти вакилларининг ғалабасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Якунда 2:1 ҳисобидаги натижа билан Тошкент вилояти спортчилари муваффақият қозонишди. Аммо кейинги ўйинда улар андижонлик тенгқурларига имкониятни бой бериб қўйишди — 1:2. Самарқанд вилояти футболчилари эса жиззахликларни 1:0 ҳисобида доғда қолдирди. Бош соврин соҳиби бугун маълум бўлади.






*Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари — 2012" спорт ўйинлари финал босқичи қизғин паллага кирди. Спортнинг 12 тури — баскетбол, кураш, белбоғли кураш, бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, қўл тўпи, сузиш, футбол, енгил атлетика, шахмат, стол тенниси ва волейбол бўйича ўтказилаётган баҳсларда дастлабки медаллар ўз эгасини топди.*

### Енгил атлетика

"Ёшлар" спорт мажмуасида ўтказилаётган енгил атлетика беллашувларида ўсмирлар ва қизлар турли масофаларга югуриш, уч ҳатлаб сакраш, баландликка сакраш, аралаш эстафета бўйича ўзаро рақобатлашди. Ўсмирлар ўртасида 100 метрга югуришда Тошкент шаҳри вакили Дмитрий Сорокин, турли масофаларга югуришда Самарқанд шарафини ҳимоя қилаётган Ғолиб Тоҳиржонов, навоийлик Шоҳруҳ Мухторов, баландликка сакрашда сирдарёлик Руслан Курмаев, уч ҳатлаб сакрашда пойтахтлик Темур Хуснулин ғолибликни қўлга киритди.

Қизлар ўртасидаги югуриш беллашувида Наманган вилояти спортчиси Дилноза Раҳмонова, самарқандлик Маржона Оққўзиева, жиззахлик Лидия Петрова, сирдарёлик Наиля Ҳазратқулова, пойтахтлик Лилия Манасипова, уч ҳатлаб сакраш ва баландликка сакраш баҳсларида тошкентлик Ирина Белова ҳамда Тошкент вилояти вакиласи Анна Тян муваффақиятга эришди.

### Қўл тўпи

Қизлар ўртасидаги қўл тўпи баҳсларида Андижон вилояти спортчилари хоразмлик тенгқурларини 12:8 ҳисобида мағлуб этдилар. Навоийликлар эса Сирдарё вилояти вакиллари устидан 23:16 натижаси бўйича устун келишди. Энди финалда Андижон ва Навоий вилояти спортчилари биринчи ўрин масаласини ҳал қилишади.

Ўғил болалар баҳсида Тошкент шаҳри спортчилари хоразмликларни 28:18, сурхондарёликлар эса самарқандлик тенгқурларини 11:17 ҳисобида доғда қолдирди.

### Баскетбол

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли спорт саройида баскетболчи йигит-қизлар ўзаро беллашмоқда. Ўсмирлар баҳсида навоийлик спортчилар фарғоналикларни 39:17, қизлар беллашувида эса Қорақалпоғистон Республикаси ўқувчилари наманганлик спортчиларни 40:31 ҳисобида мағлубиятга учратди.

### Волейбол

Волейбол мусобақалари Навоий шаҳридаги 2-сон академик лицейида ўтказилмоқда. Қизлар ўртасидаги беллашувларда Навоий вилояти спортчилари Тошкент шаҳри терма жамоаси аъзоларини 3:0 ҳисобида енгишди.

### Сузиш

"Дельфин" сузиш ҳавзасида кечаётган қизиқарли баҳсларнинг дастлабки натижалари бўйича Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Навоий вилояти вакиллари кучли учликдан жой олиб туришибди. Эркин сузиш бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган эстафета баҳсларида пойтахт терма жамоаси бир жуфт олтин медалга сазовор бўлгани уларнинг етакчи ўринга кўтарилиб олишига хизмат қилди.

Мусобақалар давом этмоқда.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ ва Муҳаммад АМИН олган суратлар.

## Орзулар остонасида



*Буюк келажакнинг муносиб ворислари — етук интеллектуал салоҳиятга эга шижоатли ўғил-қизлардир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, эртанги кун ёшлар қўлида. Ҳал қилувчи куч сифатида кириб келаётган бу ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ишонч билдириш лозим. Негаки, ишонч, эътибор ва ғамхўрлик навқирон авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай униб-ўсиши, оламшумул муваффақиятларни қўлга киритишида беқиёс аҳамиятга эга.*

# Етуклик ва баркамоллик сари

Бугун ана шундай эзгу орзулар, баланд марралар сари дадил интилаётган минглаб умидли фарзандлар мустақил ҳаётга қадам қўйишмоқда. Улар учун янграйдиган сўнгги қўнғироқ садоси болаликнинг ўйинқароқ дамлари ортда қолиб, етуклик, баркамоллик сари дадил одимлаш фурсати етганлигини англатади. Зотан, энди мактаб битирувчилари ўзлари орзу қилган, қизиққан ва танлаган мутахассисликлар бўйича таълимни давом эттириб, келажакка йўлланма оладилар. Бунинг учун эса мамлакатимизда барча имконият ва шарт-шароит муҳайё қилинган. Хусусан, замонавий касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда мавжуд энг сўнгги русумдаги ахборот технологиялари, лаборатория ускуналари билан жиҳозланган кенг, ёруғ, шинам машғулот заллари ҳамда ўқув устахоналари ёшларимизнинг жаҳон андозалари даражасида пухта билим олишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Фахрлансак арзийдики, юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган бундай эзгу саъй-ҳаракатлар бугун халқаро миқёсда ҳам юксак эътироф этилмоқда. Жорий йил бошида пойтахтимизда ўтказилган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференция иштирокчиларининг ўзига хос миллий моделга асосланган Ўзбекистон тажрибасида бошқаларга ибрат ва намуна бўладиган жиҳатлар кўп эканлигини тан олганлигиёқ бунинг ёрқин тасдиғидир.

...Бу йил мамлакатимизда мавжуд 9763 та умумий ўрта таълим мактабининг 9-синфини 560 минг 345 нафар битирувчи тамомлайди. Шубҳа йўқки, бу ўқувчилар таълимнинг навбатдаги босқичида илм-фан ва касб-ҳунар сирларини мукаммал ўрганиши учун мустаҳкам пойдевор қўйилди. Бинобарин, ёшларимиз билимли, малакали, илғор фикрли устоз-мураббийлардан сабоқ олиб, кенг дунёқараш ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлдилар. Биргина жорий йилда мусиқа ва санъат йўналишидаги нуфузли халқаро кўрик-танловларда мамлакатимиз таълим даргоҳларининг 12 нафар иқтидорли ўқувчиси энг олий ўрин — Гран-при мукофотига сазовор бўлганлиги фикримиз далилидир. Яна шуни ҳам эътироф этиш жоизки, жаҳоннинг Буюк Британия, Германия, Италия, Озарбайжон, Руминия, Россия, Франция сингари давлатларида бўлиб ўтган шу каби йирик тадбирларда фахрли ўринларга муносиб, деб топилган истеъдод соҳиблари ҳам борки, улар жаҳон миқёсида Ўзбекистон ёшларининг нималарга қодирлигини намоён этишди.

Қалбида бир олам орзу-ниятлар ила жонажон мактаби бағридан учирма бўлаётган бу ёшлар бугун фидойи ва меҳрибон устоз-мураббийларига миннатдорлик изҳор этиб, уларнинг оқ фотиҳасини олишади. Зеро, бугун "Сўнгги қўнғироқ" тадбирлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги умумий ўрта таълим муассасаларида "Мустақил юрт фарзанди, она-Ватан сени чорлайди!" шиори остида ўтказилади. Ишончимиз комилки, ҳаяжонли дамларга бой ушбу ажойиб тадбир битирувчи ёшлар қалбида ёрқин хотира сифатида бир умрга муҳрланиб қолади.

**Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 12 МАЙДАН 18 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 2 апрелдаги 90-сонли буйруғи.*

**2012 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2361 (2012 йил 22 майдан кучга киради).**

2. «Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2012 йил 6 апрелдаги 345-сонли буйруғи.*

**2012 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2362 (2012 йил 24 майдан кучга киради).**

3. «Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 1 майдаги 72-сонли буйруғи.*

**2012 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2363 (2012 йил 24 майдан кучга киради).**

4. «Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 24 мартдаги 10/1-сонли қарори.*

**2012 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2364 (2012 йил 25 майдан кучга киради).**

5. «Тасдиқланган маҳаллийлаштириш Дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 18 апрелдаги 39, ЭГ-01/14-1414, 6, 2012-16, 01-02/8-6-сонли қарори.*

**2012 йил 17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2365 (2012 йил 27 майдан кучга киради).**

6. «Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг намунавий штатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2012 йил 30 апрелдаги 179, 21-Қ/Қ, 40-сонли қарори.*

**2012 йил 18 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2182-1 (2012 йил 28 майдан кучга киради).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Тасдиқланган маҳаллийлаштириш Дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом» *(рўйхат рақами 1857, 2008 йил 19 сентябрь) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирининг 2012 йил 17 майдаги 106-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

***III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:***

1. Ер устида ёппасига портлатишларни хавфсиз олиб бориш бўйича намунавий йўриқномани тасдиқлаш ҳақида. *«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.

**Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**


САРА УРУҒ — ЮҚОРИ ҲОСИЛ ГАРОВИ!

«URUG-INVEST» Ўзбекистон — Сербия қўшма корхонаси

такрорий экин учун Сербия давлатининг Дала ва полиз экинлари илмий институти томонидан яратилган, Ўзбекистон Республикаси далаларида синовдан ўтган сифатли, эртапишар ва ҳосилдор

маккажўхори (вег. даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — 8-10 тн/га),

кунгабоқар (вег. даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — 3-4 тн/га)

дурагайлари ва соя (вег. даври — 80 кун, ҳосилдорлиги — 3-4 тн/га)

уруғларини таклиф қилади.



УРУҒЛАР ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН ВА СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

www.semena.uz Тел.: (+99897) 778-40-27, 800-83-13, 775-21-68. Факс (99871) 234-62-45.

726R/562


### ОБ-ҲАВО (25 май)

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
| --- | --- | --- |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +16 +21 | +32 +37 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +16 +21 | +29 +34 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +15 +20 | +29 +34 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +16 +21 | +29 +34 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +15 +20 | +28 +33 |
| Тошкент шаҳрида | +17 +19 | +32 +34 |


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 91 284 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 22.05 1 2 3 4 5